



2015 у.г. «21» июл

№ 962-К

Тумандаги “Охалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрташиқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамдамов Хомиджонга тегишли уй-жойини бир қисмини тураржой тоифасидан нотурар жой тоифаси (савдо дўкони, умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси)га айлантириш ҳақида

Тумандаги “Охалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўрташиқ” маҳалласида яшовчи Ҳамдамов Хомиджон номига туман ҳокимининг 2011 йил 14 ноябрда 1750-Қ сонли қарори билан уй жойига эгалик қилиш ҳуқуқи тикланган, қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномасини, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатларини, турмуш ўртоғи ва фарзандларини розилик аризаларини тақдим этиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида уй-жойини бир қисмини 202,02 кв.м. дан иборат ер майдонини савдо дўкони, умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаларига айлантириб беришни сўраб туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Охалик” қишлоқ фуқаролар йиғини, “Ўрташиқ” маҳалласида Ҳамдамов Хомиджон номида бўлган уй-жойига туман ҳокимининг 2011 йил 14 ноябрда 1750-Қ сонли қарорига асосан эгалик қилиш ҳуқуқи тикланган, 14 ноябрда 1750-Қ сонли қарорига асосан эгалик қилиш ҳуқуқи тикланган, умумий 498,94 кв.м., ер майдонида жойлашган уй жойини 202,02 кв.м. қисми (А-литердаги турар-уй 125,25 кв.м., А-1 литердаги ойнали айвон 36,75 кв.м., А-2 литердаги ертўла, А-5 литердаги турар уй 40,02 кв.м., б)-литердаги пахсали девори)ни нотураржой тоифага савдо дўкони, умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаларига айлантиришга ҳамда нотураржойга айлантириладиган қисмини жойлашган ер майдонидан ҳам нотурар жой сифатида фойдаланишга рухсат берилсин. Ушбу қарор қабул қилиниши